

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ  
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**ДАДАМЪЯНЦ НАТАЛИЯ ГАМЛЕТОВНА**

**ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ШАРОИТЛАРИДА МИЯДА ҚОН  
АЙЛАНИШИ ЎТКИР БУЗИЛИШЛАРИНИНГ  
НЕЙРОВИЗУАЛИЗАЦИЯВИЙ ВА ГЕМОДИНАМИК МЕЗОНЛАРИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation abstract**

|   |    |
|---|----|
| <b>Дадамьянц Наталия Гамлетовна</b><br>Шошилич тиббий ёрдам шароитларида миёда кон айланиши уткир<br>бузилишларининг нейровизуализациявий ва гемодинамик мезонлари .....                | 3  |
| <b>Дадамьянц Наталия Гамлетовна</b><br>Нейровизуализационные и гемодинамические<br>критерии острых нарушений мозгового кровообращения<br>в условиях экстренной медицинской помощи ..... | 29 |
| <b>Dadamyants Nataliya Gamletovna</b><br>Neuroimaging and hemodynamic criterias for acute<br>cerebral circulatory disorders in conditions of emergency medical<br>care.....             | 55 |
| Эълон килинган ишлар рўйхати<br>Список опубликованных работ<br>List of published works .....  | 60 |

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ  
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ**

**ДАДАМЪЯНЦ НАТАЛИЯ ГАМЛЕТОВНА**

**ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ШАРОИТЛАРИДА МИЯДА ҚОН  
АЙЛАНИШИ ЎТКИР БУЗИЛИШЛАРИНИНГ  
НЕЙРОВИЗУАЛИЗАЦИЯВИЙ ВА ГЕМОДИНАМИК МЕЗОНЛАРИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА  
ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib92 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) тилда Илмий кенгаш (www.med.uz/surgery) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) веб-саҳифаларида жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Икрамов Адхам Ильхамович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Арзамасцева Галина Ивановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ходжибеков Марат Худойкулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Аликулова Нигора Абдукадыровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**И.И. Джанелидзе номидаги шошилич тиббий ёрдам ИТИ ФДБТМ, Санкт-Петербург, Россия**

Диссертация химояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил 29 сентябр куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2017 йил 16 сентябр куни тарқатилди.

(2017 йил 16 сентябр даги №17 рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назыров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра ривожланган мамлакатларда мия инсулти ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, умумий ўлим таркибида 2-3 ўринни эгаллайди<sup>1</sup>. Инсултга дучор бўлган ёки анамнезида транзитор ишемия хуружлари бўлган беморлар сони бутун дунё бўйича 50 миллиондан ошади<sup>2</sup>. Ишемик инсулт (ИИ) – муҳим тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида аҳолининг касалхонага тушиши, ногиронланиши ва ўлимнинг асосий сабабларидан бирidir. Бутун дунёдаги олимлар ва мутахассисларнинг диққат марказида бўлсада, ишемик инсултни эрта ташхислаш ва бош мияни муносиб тарзда реперфузиялаш долзарблигича қолмоқда<sup>3</sup>.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб Республикада ишемик инсулти беморларга кўрсатиладиган юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва унинг кўламини кенгайтиришга оид кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Олиб борилган текширишлар натижасида мутаносиб диагностик модалликлар ишлаб чиқилган, ИИда бош мияни эрта ревазуляризациялашда, хусусан, тромболитик терапия ўтказишда ижобий самарага эришилган. Мамлакатимизда охириги 5 йиллик давомида олиб борилаётган ва рационал реперфузион давони танлашга йўналтирилган ташкилий чора-тадбирларнинг натижаси ўлароқ касалликнинг ўткир даврида ногиронлик чақирувчи инсултнинг миқдори 8,6% га қисқарди<sup>4</sup>. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига биноан соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат сифатини янада ошириш вазифалари кўйилган<sup>5</sup>. Шундан келиб чиққан ҳолда, шошилиш тиббий ёрдам шароитларида мияда қон айланиши ўткир бузилишларининг нейровизуализациявий ва гемодинамик мезонларини ишлаб чиқиш ҳам кўйилган вазифаларни бажаришда долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Сулина З.А., Варакин Ю.Я. Клинико-эпидемиологические исследования - перспективное направление изучения цереброваскулярной патологии (сообщение первое) // Анналы клинической и экспериментальной неврологии. - 2009. - Т. 3, № 3. - С. 4-11.

<sup>2</sup> Хобзей Н.К. и соавт. Особенности эпидемиологии инвалидности при заболевании нервной системы в Украине. // Міжнародний неврологічний журнал. – 2011. - № 5 (43). – С. 13-16.

<sup>3</sup>Wintermark M. et all. Imaging Recommendations for Acute Stroke and Transient Ischemic Attack Patients: A Joint Statement by the American Society of Neuroradiology, the American College of Radiology, and the Society of Neurointerventional Surgery. // Am. J. Neuroradiol. – 2013. V. 34. – P. 117-127.

<sup>4</sup> Mubarakov Sh., Zakhidov A., Dadamyants N. Thrombolysis monitoring of thrombolysis efficiency in patients with acute ischemic stroke.// International Journal of Stroke. World Stroke Organization. – London, 2015, Vol. 10. (Suppl. 2), P. 141.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Сўнгги йилларда дунё миқёсида ишемик инсультларда бош мия реперфузияси, хусусан, даволашнинг энг самарали усули сифатида эйтироф этилаётган тромболитик терапия масаласи фаол муҳокама қилинмоқда<sup>1</sup>. Бироқ унинг қўлланиши бутун дунё миқёсида пастлигича қолмоқда<sup>2</sup>. Бундан ташқари тромболизиснинг самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи зарарланишларининг илк КТ-белгиларини аниқлашга йўналтирилган. Бош мия реперфузиясининг самарадорлигини комплекс ультратовуш текшируви асосида баҳолашнинг айрим масалалари охиригача хал этилмаган. Церебраль гемодинамиканинг айрим кўрсаткичларини баҳолаш мезонлари мунозараларга сабаб бўлмоқда. Ишемик инсультнинг ўта ўткир даврида беморларни даволаш тактикасини белгилашда ички уйқу артерияси окклюзиясининг характерини батафсилроқ ўрганиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури тўғрисида»ги ва 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сон «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Ишемик инсультларни ташхислашни такомиллаштиришга йўналтирилган

---

<sup>1</sup> Домашенко М.А. и соавт. Опыт системного тромболизиса в лечении пациентов с ишемическим инсультом. // Нервные болезни. – 2012. - № 1. – С. 2-6.

<sup>6</sup> Хасанова Д.Р., Дёмин Т.В. Опыт применения внутривенного тромболизиса при ишемическом инсульте в Татарстане. // Неврология, нейропсихиатрия, психосоматика. – 2011. - № 1. – С.42-46.

<sup>3</sup> Халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи қуйидаги манбалардан фойдаланиб ўтказилган: Seiffge DH, Hoof RJ, Nolte CH et al. Recanalization therapies in acute ischemic stroke patients: impact of prior treatment with novel oral anticoagulants on bleeding complications and outcome. // Circulation. – 2015. - №132(13). – С. 1261-9. Pettersen J.A. Hudon M.E., Hill M.D. Intra-arterial thrombolysis in acute ischemic stroke: a review of pharmacologic approaches. // Expert Rev Cardiovascular Ther. – 2004. - №2(2). – С. 285-99. Seyman E, Shaim H, Shennar-Tsarfaty S. et al. The collateral circulation determines cortical infarct volume in arterial circulation ischemic stroke. // BMC Neurol. 2016 Oct 21;16(1):206. Zetola VF, Lange MCh. The utility of Transcranial Doppler in the acute ischemic stroke. // Arquivos Brasileiros de Cardiologia. 2006 Vol.87;N6:365-71. Jihoon Kang, Jeong-Ho Hong, Min Uk Jang et al. Cardioembolism and involvement of the Insular Cortex in patients with Ischemic Stroke. // Plos One. 2015; 10(10): e0139540. Denis Sablot, Faouzi Belahsen, Fabrice Vuillier et al. Predicting Acute Ischemic Stroke Using Clinical and Temporal Thresholds. // International Scholarly Research Notices. 2011 Volume 2011, Article ID 354642. Keith W Muir, Gary A Ford, Claudia-Martina Messow et al. Endovascular therapy for acute ischaemic stroke: the Pragmatic Ischaemic StrokeThrombectomy Evaluation (PISTE) randomized, controlled trial. // J Neurol Neurosurg Psychiatry. 2016; 0:1-7. Tom van Seeters, Geert Jan Biessels, Irene C van der Schaa. Prediction of

илмий тадқиқотлар жаҳоннинг илғор илмий марказларида ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан Stroke Center and Neurology (Швейцария), University of Calgary (Канада), Medical College of Wisconsin (АҚШ), Chonnam National University Hospital (Жанубий Корея), Tel-Aviv Sorasky Medical Center (Исроил), Paraná State Federal University (Бразилия), Keimyung University School of Medicine (Жанубий Корея), Saint Jean Hospital (Франция), University of Medicine and Pharmacy (Руминия), Utrecht Stroke Center (Голландия), Казан Давлат тиббиёт университетида (Россия), Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида (Тошкент, Ўзбекистон). кабиларда олиб борилмоқда.

Мазкур муаммога оид дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: ИИда нейровизуализация ва гемодинамика паттернларини ўрганишга доир кенг кўламли популяциявий тадқиқотларда қуйидагилар аниқланган: транскраниал доплерография окклюзияланган артериянинг реканализациясини аниқлашда, жумладан “гиперперфузияни қайд қилиш ўрта мия артериясида адекват қон айланиши тикланганлигининг белгиси” сифатида аҳамиятга эга эканлиги исботланган (World Stroke Organization (WSO), European Stroke Organization (ESO)); тромболитик терапия 4-8% ҳолатларда инсультнинг геморрагик трансформацияси билан асоратланиши кўрсатилган (Инсультга қарши кураш миллий ассоциацияси (ИҚКМА)); тромболитик терапия ўтказиш учун беморларни танлаш мезонлари ишлаб чиқилиб, улар ичида асосийлари “компьютер томография натижаларига кўра геморрагик инсультнинг йўқлиги, бош мия ишемияси ўчоғининг ўлчамлари ўрта мия артерияси озиклантирадиган соҳанинг 1/3 қисмидан камлиги, NIHSS шкаласи бўйича инсультнинг оғирлик даражаси 25 баллдан пастлиги”, деб белгиланган (Tel-Aviv Sourasky Medical center (Исроил)<sup>1</sup>, Clinique la Soukra (Тунис)); терапевтик «ойна»нинг вақт интервал 3 соатдан 4,5 соатгача кенгайтирилган<sup>2</sup>” (Keimyung University school of medicine (Жанубий Корея), University of Calgary (Канада), Saint Jean Hospital (Франция)).

Ишемик инсультни ташхислашни такомиллаштириш мақсадида жаҳон миқёсида устувор йўналишлар бўйича, жумладан инсультнинг кечишини прогнозлаш учун атеросклеротик пиликчаларнинг эмбологенлик мезонларини аниқлаш, транскраниал доплерографиянинг мақбул параметрларини ишлаб чиқиш, микроэмболик сигналларнинг инсультнинг кичик типлари билан боғлиқлигини исботлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Қатор тадқиқотлар терапевтик «ойна» даврида нейровизуализация ва комплекс нур ташхиси натижаларига қараб

---

outcome in patients with suspected acute ischaemic stroke with CT perfusion and CT angiography: the Dutch acute stroke trial (DUST) study protocol. // BMC Neurology. 2014; 14:37.

<sup>1</sup> Wolfe T, Suarez J.I, Tarr R.W. Comparison of combined venous and arterial thrombolysis with primary arterial therapy using recombinant tissue plasminogen activator in acute ischemic stroke. // J Stroke Cerebrovasc Dis. - 2008 May-Jun;17(3):121-8.

<sup>2</sup> Yoon W, Park MS, Cho KH. Low-dose intra-arterial urokinase and aggressive mechanical clot disruption for acute ischemic stroke after failure of intravenous thrombolysis. // AJNR Am J Neuroradiol. 2010 Jan; 31(1):161-4.

реваскуляризациялаш усулини танлаш муаммосини ўрганишга йўналтирилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз етакчи олимларининг ўтказган проспектив ва ретроспектив таҳлиллари натижаларига кўра Ўзбекистонда ҳар йили янгитдан 35000 та инсульт ҳолатлари қайд этилади, бу 100 000 аҳолига 145,8 тани ташкил этади (Гафуров Б.Г.)<sup>1</sup>. Мияда такроран содир бўлаётган фожиалар сони ортиб бораётир. Инсультнинг ўткир даврида леталлик ўртача 30-35% га етади (Дуданов И.П.<sup>2</sup>, Хасанова Д.Р.)<sup>3</sup>.

Keith W Muirнинг маълумотларига кўра, интракраниал артериянинг йирик окклюзиясини тасдиқлашда тромболизисдан кейин тезда тромбэкстрация ўтказиш мақсадга мувофиқ<sup>4</sup>. З.А.Суслинанинг фикрича, «Бош мия компьютер томографияси мия қон айланиш тизимининг ўткир бузилишларини ташхислаш ва унинг характерини аниқлашнинг халқаро стандарти ҳисобланади»<sup>5</sup>. Е.Сейманнинг тадқиқотида кўрсатилишича<sup>6</sup>, коллатерал қон айланиши ҳолати «олд циркуляция ҳавзасидаги йирик окклюзияда кортикал инфаркт кўламини ҳамда клиник оқибатларини белгилаб берувчи муҳим омилдир». Мия инсультларининг юзага келиш замирида ётувчи бош миядаги структур ва микроструктур ўзгаришларни ўрганиш, даволаш тактикасини танлашга қаратилган асосий диагностик паттернларни аниқлаш ҳануз ташхислаш услубларининг мувофиқ мажмуини излаш босқичида қолмоқда. Буларнинг бари ИИни ташхислаш ва даволаш усуллари янада такомиллаштириш заруриятини белгилаб беради.

Адабиётлар таҳлили ИИни ташхислаш ва даволаш тактикасини аниқлашнинг қатор масалаларини янада такомиллаштириш зарурлигидан кўрсатмоқда. ИИнинг энг ўткир даврида мия гемодинамикаси кўрсаткичларини коррекциялаш, шунингдек, тромболитик терапияга кўрсатмаларни ҳамда унинг самарадорлигини аниқлашга услубий жиҳатдан ёндашиш тақозо этилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) илмий-

---

<sup>1</sup> Гафуров Б.Г. Распространённость мозгового инсульта в Узбекистане по данным госпитального регистра. // Материалы Республиканской научной конференции «Хроническая сосудисто-мозговая недостаточность». - Ташкент. – 2010. – С. 28-29.

<sup>2</sup> Дуданов И.П., Васильченко Н.О., Коблов Е.С. Хирургическое лечение стенозированных сонных артерий у пациентов с выраженным неврологическим дефицитом в остром периоде ишемического инсульта. // Нейрохирургия. 2013. №2:18-24.

<sup>3</sup> Хасанова Д.Р., Дёмин Т.В., Нефедьева Д.Л. и др. Эффективность тромболитической терапии инфаркта мозга на основе регистра инсульта Республики Татарстан. // Нервные болезни. 2012. 2:15-9.

<sup>4</sup> Keith W Muir, Gary A Ford et al. Endovascular therapy for acute ischaemic stroke: the Pragmatic Ischaemic Stroke Thrombectomy Evaluation (PISTE) randomized, controlled trial. // J Neurol Neurosurg Psych. 2016. –P: 1-7.

<sup>5</sup> Инсульт: диагностика, лечение и профилактика. Под. ред. Суслиной З.А., Пирадова М.А. – М.: МЕД-Прессинформ. – 2008. – 288 с.

<sup>6</sup> Seyman E., Shaim H. The collateral circulation determines cortical infarct volume in anterior circulation ischemic stroke. // BMC Neurol. - 2016; 16(1): 206.



тадқиқот ишлари доирасидаги «Ишемик инсультнинг ўткир даврида реперфузион терапияни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш методлари» (2011-2014 йй.) АДСС-15.14.2 амалий илмий лойиҳасида акс эттирилган.

**Тадқиқот мақсади** ишемик инсультнинг кечишини касалликнинг энг ўткир даврида нейровизуализация ва гемодинамика паттернларига кўра прогнозлашнинг нур таъхиси усуллари ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

КТ текширувлари маълумотларининг таҳлиliga асосланиб ишемик инсультнинг ўта ўткир даврида кечишини прогнозлаш мезонлари аниқлаш;  
атеросклеротик пиликчалар эмбологенлиги мезонларини тўлдириш ва бош мия ишемияси ўчоғининг ўлчамлари билан боғлиқлигини баҳолаш;  
ишемик инсультда эхокардиографик ўзгаришларни тадқиқ этиш;  
интракраниал гемодинамиканинг паттернларини ажратиб олиш учун мақбул мезонларни ишлаб чиқиш;

ишемик инсультли беморларда церебрал гемодинамика ва церебро-вакуляр реактивлик ҳолатининг хусусиятларини тадқиқ этиш;

интракраниал гемодинамика паттерни ва ишемия ўчоғи ўлчамига кўра доплерографик ва нейровизуализациявий таққослов ўтказиш;

ультратовуш усуллари нуктаи-назаридан тромболитик терапиянинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2003-2014 йилларида РШТЎИМда каротид ҳавзасида миёдаги қон айланишининг ишемик типдаги ўткир бузилишлари кузатилган 306 нафар бемор.

**Тадқиқот предмети:** церебрал гемодинамика, марказий гемодинамика, атеросклеротик пиликчаларнинг ультратовушли «морфология»си, артериялар йўналиши деформациялари, уйқу артериялари окклюзиялари, тромбозис ва хирургик коррекция воситасида бош миёнинг реперфузиясини ўтказиш.

**Тадқиқот усуллари:** клиник, асбоб-ускунали (компьютерли томография, дуплексли сканирлаш, транскраниал доплерография, эхокардиография, церебрал ангиография), статистик текширув усуллари.

**Тадқиқотининг илмий янгилиги:**

КТ текширувлари маълумотларининг таҳлиliga асосланиб ишемик инсультнинг ўта ўткир даврида кечишини прогнозлаш мезонлари аниқланган;

транскраниал доплерография натижалари ва атеросклеротик пиликчаларнинг “ультратовушли морфологияси”ни ўрганиш орқали ностабил атеросклеротик пиликчалар мавжудлигида ўрта мия артериясида 2,4 мартаба кўпроқ микроэмболик сигналлар қайд қилинаши кўрсатилган;

ўрта мия артериясидаги қон оқимининг максимал тезлиги 40 см/с дан пасайиши Гослинг индексининг 1,26 дан ортиқ кўтарилиши билан бирга келганда инсультнинг ўта ўткир даврининг оғир кечиши предиктори эканлиги исботланган;

отилиш фракциясининг 45% дан камайиши, юрак ичида тромботик массаларнинг мавжудлиги ҳамда миокарднинг гипо-ва акинези инсультнинг кардиоэмболик тури эканлиги аниқланган;

ички уйқу артерияси ўткир ва сурункали окклюзияларининг ультратовушли мезонлари таклиф этилган ҳамда окклюзия характери билан инсультнинг оқибати орасидаги ҳаққоний боғлиқлик аниқланган;

ИИнинг кечиши ўрта уйқу артериясининг гемодинамикаси характери ва ўта эрта даврдаги цереброваскуляр резерв кўрсаткичларига боғлиқлиги, жумладан овершут коэффицентининг 1,14 дан пастлиги цереброваскуляр резервнинг декомпенсациялашганлиги белгиси эканлиги кўрсатилган;

беморларни тромбозис учун пухта танлаб олиш имконини берувчи нур ташхиси мезонлари ишлаб чиқилган;

юрак патологияси, хусусан эмболиянинг потенциал манбалари миянинг ўрта артериялари бўйлаб гемодинамика оқимлари ва бош миядаги ишемия ўчоғининг ўлчамлари билан корреляцияланмаслиги аниқланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

атеросклеротик пиликчалар эмбологенлигининг қўшимча ультратовуш мезонлари таклиф қилинган;

ички уйқу артериясининг ўткир окклюзиясида ишемик инсультнинг энг ўткир даври аксарият ҳолатларда нохуш кечиши аниқланган;

церебрал гемодинамикани доплерографик текшириш ишемия ўчоғининг ўлчамини тахминан аниқлаш ва инсультнинг оқибатини прогнозлашда қўлланилиши мумкинлиги кўрсатиб берилган;

инсультнинг кичик типини ҳамда окклюзия характерини аниқлаш мақсадида тромбозис ўтказилишига номзод беморларда транскраниал доплерографии билан рангли дуплексли сканирлашни биргаликда қўллашнинг зарурлиги кўрсатиб берилган;

ўз оқибатларига кўра қийинлашган перфузия оқими энг нохуш эканлиги аниқланган;

инсультнинг кечишини прогнозлашда периферик қаршилик индекси ва овершут коэффицентининг қийматлари аниқланган;

ишемик инсультда нур ташхиси алгоритмининг клиник амалиётга жорий этилиши, биринчи навбатда, диққатни ноинвазив усулларга жамлаш орқали ташхислаш жараёнини мутаносиблаштириш имконини бериб, тромболитик терапия учун беморларни янада пухталаб танлашга ёрдам беради, ангиографик текширувлар сонини эса қисқартиради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларини, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини қўллаш, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларидан ўз ўрнида фойдаланиш орқали эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, атеросклеротик пиликчаларнинг ультратовушли «морфологияси»ни ва марказий гемодинамикани ўрганиш инсультнинг патогенетик кичик типини ойдинлаштиришга ёрдам бериб, шу билан беморларни даволашга қиёсий ёндашувни белгилаб олиш имконини беради. Бемор шифохонага ётқизиладиганида қийинлашган перфузия оқимининг аниқланиши тромболитик терапиянинг бесамарлигини прогнозлаш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, мианинг ўрта артерияси бўйлаб оқим характериға кўра доплерограммаларнинг ажратилиши церебрал гемодинамика, церебро-васкуляр реактивлик ҳолатини баҳолашға ва касалликнинг энг ўткир даврида инсультнинг кечишини прогнозлашға имкон беради. Рангли дуплексли сканирлаш маълумотлари бўйича аниқланган окклюзия характери (ўткир ёки сурункали) бош мианинг зарарланиш кўламини ҳамда касаллик оқибатини юқори даражадаги эҳтимоллик билан тахмин қилиш имконини беради. Тромболизисни ўтказиш учун кўрсатмалар фақат бош мианинг компьютерли томографияси натижаларига эмас, балки комплекс нур текширувининг маълумотларига асосланмоғи лозим, бу тромболитик терапия ўтказиш учун пациентларни пухта танлаб олинишиға имкон бериб, шунинг билан асоссиз сарф-харажатларни камайтиради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишемик инсультларни ташхислашни ва даволашни такомиллаштиришға оид илмий натижалар асосида реперфузион терапиянинг оқилона турини танлашға ва унинг самарадорлигини баҳолашға янги ёндашувлар ишлаб чиқилди. Олинган натижалар касалхона босқичини мувофиқлаштириш, томирларни инвазив визуализациялаш усулларининг қўлланиш даражасини 1,7 баробар қисқартириш, дуплексли сканерлаш ва транскраниал доплерография натижаларини ҳисобға олган ҳолда тромболизисға кўрсатмаларни пухта аниқлаштириш ҳамда беморларнинг касалхонада ётиш муддатларини бир суткаға қисқартириш имконини берган.

“Окклюзион-стенотик шикастланишлар сабабли юзага келган бош миёна айланганининг бузилишларида диагностика ва реваскуляризация операцияларининг усуллари” мавзусидаги методик тавсиялар соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилинди.

Ишемик инсультнинг ўта ўткир даврида диагностик тадбирлар алгоритми кўринишида соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, РШТЎИМнинг Бухоро филиали қабул-диагностик бўлимида ҳамда ИИВ Госпитали фаолиятиға жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 31 майдаги 8Н-г/43 маълумотнома). Тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши асоратлар сонини 6% дан 2,6% гача камайтириш ва даволаниш муддатини ўртача 1,1 кунға қисқартириш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, шу жумладан 8 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида, муҳокамадан утказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, адабиёт шарҳи, хусусий тадқиқотларнинг сақизта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва талабга мослиги очиқ берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги ва диссертация таркиби кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Ишемик инсультни комплекс нур ташхисининг ҳозирги замон ҳолати ва муаммолари**» деб номланган биринчи бобида ишемик инсультни, айниқса нейровизуализация ва транскраниал доплерография нуқтаи-назаридан нур ёрдамида эрта ташхислаш муаммоси бўйича кўп сонли замонавий маълумотлар, шунингдек тромболитик терапиянинг ўзига хос жиҳатлари кўриб чиқилиб, таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Клиник материал характеристикаси ва услублар**» деб номланган иккинчи бобида текширилган материал ва тадқиқот услублари баён этилган. Клиник материал, тадқиқот ускуналарининг умумий тавсифи келтирилган. Тадқиқотнинг асосини Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий марказига ётқизилган ишемик инсультли 306 нафар беморни 2003-2014 йй давомида текширувдан ўтказиш ва даволаш натижалари ташкил этган (1-жадвал). Каротид ҳавзасидаги жами ИИнинг 29 тасида (9,5%) ИУА ҳавзаси зарарланган, 270 (88,2%) беморда зарарланиш ўчоғи МЎА ҳавзасида, фақат 7 тасидагина (2,3%) МОАнинг қон билан таъминлаш зонасида локализацияланган.

Ҳамроҳ патология тавсифи қуйидагича: гипертония касаллиги 237 (77,4%), атеросклероз 146 (47,7%), юракнинг ишемик касаллиги 84 (27,4%) беморда қайд этилган.

Терапевтик «ойна» даврида 34 пациент келтирилган, бу 11,9%ни ташкил қилади.

### 1-жадвал

#### Ишемик инсультли беморларнинг ёш ва жинсга кўра тақсимланиши

| Ташхис           | Ёш (йил)  | Жинс        |             | Жами (n) |
|------------------|-----------|-------------|-------------|----------|
|                  |           | эркаклар    | аёллар      |          |
| Бирламчи инсульт | 68,19±5,4 | 112 (52,5%) | 101 (47,5%) | 213      |
| Такрорий инсульт | 65,6±4,2  | 61 (65,6%)  | 32 (34,4%)  | 93       |
| Ҳаммаси          |           | 173 (56,5%) | 133 (43,5%) | 306      |

Компьютерли томография AURA рентген компьютерли томографида (Siemens) ва Brilliance-40 мультислайс компьютерли томографида (Philips) ўтказилган. Ўчоқнинг локализацияси, ўлчамлари, пушталарнинг яссиланганлиги, бош миянинг шишиши учун хос бўлган белгиларнинг мавжудлиги баҳоланган. Бош мия зарарланиш ўчоғининг ўлчамлари РТФА Неврология ИТИ таснифномасига (1986) кўра қуйидагича тақсимланган: улкан, катта, ўртача, кичик.

Экстракраниал артерияларни рангли дуплексли сканирлаш EUB-6000 рангли ультратовуш сканерида (Hitachi, Япония) ишлаш частотаси 7,5 МГц бўлган чизиқли датчик ва частота диапазони 5-10 МГц бўлган чизиқли мультичастотали HD 11 XE датчикни (Philips) қўллаган ҳолда ўтказилган. Артерияларни кўндаланг ва бўйлама текисликлар бўйлаб визуализациялаш орқали текширишни полипозицион тарзда олиб борилган. Бирин-кетин умумий уйқу артериялари, ички уйқу артериялари, умуртқа ва ўмров ости артериялари текширилган. Атеросклеротик пиликчаларнинг таркибини баҳолаш учун Gray-Weale et al. (1988) таснифномасидан фойдаланилган.

Транскраниал доплерография (261) умум қабул қилинган усул бўйича МТ-1010 ускунасида (ХХР) ўтказилган. Қон оқимининг максимал тезлиги (Max V, см/с), қон оқимининг ўртача чизиқли тезлиги (ҚОЧТ, см/с), шунингдек Гослинг индекси (PI) аниқланган. Церебро-васкуляр захира компрессион тест натижалари ҳамда овершут коэффициенти (ОК) бўйича баҳоланган. 24 пациентда чакка «дарчаси» орқали ультратовуш нури ўта олмаган.

Церебрал ангиографияни дастлаб сериография ва ДСА имкониятига эга бўлган Iconos R-200 рентгеноконтраст ташхислаш ускунасида (Siemens, Германия) ўтказилган. Ультравист ёки Омнипак контраст препаратини MALINCKPODT-Angiomat Iliumena-2000 автоматик инжектори ёрдамида юборилган. Сўнгра тадқиқотларнинг бир қисми ALLURA XPER FD 20 универсал ангиография комплексида (Philips) MEDRAD MARK VPROVIS автоматик инжекторини қўллаган ҳолда олиб борилган, бу контраст миқдорини қисқартириш имконини берган.

Селектив церебрал ангиография маҳаллий оғриксизлантириш ёрдамида S.Seldinger усули бўйича трансфеморал очиб кириш орқали бажарилган. Текширувлар 35 беморда ўтказилган. Церебрал артерияларни контрастлаш учун 5 Fr артериал ўтказгич ва диагностик катетерлар (Cordis neurovascular, Johnson&Johnson) қўлланилган. Иккита каротид ва иккита вертебрал хавзалар контрастланган. Церебрал ангиограммалар (секундига 3 та кадр) иккита (олд-орқа ва латерал) ёки тўртта (кўшимча қия) позицияларда. Ҳар бир расм учун фарқлаш матрицаси 1024x1024 пиксель. Жами ангиографик маълумотлар автоматик тарзда Xcelera Philips иш станциясига узатилган. Текширувлар терапевтик «ойна» даврида ётқизилган барча беморларда ўтказилган. РДСни ўтказишда техник жиҳатдан мураккаб ҳолатлар текширувга кўрсатма бўлиб хизмат қилган.

МСКТ- ангиография стандарт усул бўйича “Brilliance-40” ускунасида (“Philips”, Голландия) автоматик шприцдан (бир колбали инжектор)

ANGIOMAT (Illumenia, Германия) фойдаланган ҳолда контрастни (ультравист ёки омнипак) 300-350 мг/мл концентрацияда 80-120 мл ҳажмда 3,0-4,5 мл/сек тезликда венага болусли юбориш йўли билан ўтказилган. Ахборотларга extended Brilliance workspace-EBW ва Scan control иш станциясида ишлов берилган.

Марказий гемодинамикани ўрганиш 3,5 MHz частотали секторли датчик ёрдамида стандарт баённома бўйича (Шиллер Н., Осипов М.А., 1995) трансторакал эхокардиография ўтказишни (Sonoline Omnia, Siemens) ўз ичига олган. Парастернал вазиятдан ЧҚнинг узун ўқи бўйлаб М-режимда коринчалараро тўсиқ калинлигини, ЧҚ орқа девори калинлигини, ЧҚнинг охирги диастолик ва систолик ўлчамларини ўлчанган. Текширувлар 144 нафар беморда ўтказилган. ЧҚ охирги диастолик ҳажми, охирги систолик ҳажми, зарб ҳажмини, ЧҚнинг отиш фракциясини L.E. Teinholz формуласи (1991) бўйича ҳисоблаб топилган. Гипо- ва акинез зоналарига ҳамда юрак бўшлиқларида тромб массаларининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Тромболитик терапия 34 нафар беморда ўтказилган. Бош мия КТси маълумотлари бўйича геморрагик инсультнинг мавжудлиги, КТда улкан ишемия ўчоғининг мавжудлиги, клиник симптомлар ривожланган лахзадан бошлаб 6 соатдан зиёдроқ вақт ўтганлиги тромболизиснинг ўтказилишига монелик мезонлари ҳисобланган. Стрептокиназа билан тизимли тромболизис 10 беморда ўтказилган, актилизе билан тизимли тромболизис 7 пациентда ўтказилган бўлса, 17 та ҳолатда стрептокиназа билан интраартериал тромболизис бажарилган.

Беморларнинг 10 нафарида операция амалиётларининг ҳар хил турларини қўллаб реваскуляризация ўтказилган. 2 та ҳолатда ИУА окклюзияси бўлганида ТУАнинг аутоартериал пластикаси бажарилган, 5 беморда ямоқ солиш билан очик каротид эндартерэктомия, 3 та ҳолатда эверсион каротид эндартерэктомия бажарилиб, бир беморда буни ИУА редрессацияси билан тўлдирилган.

Олинган натижаларга вариацион статистика усуллари ёрдамида математик ишлов берилган. Тафовутлар ҳаққонийлигини Стъюдент-Фишер мезони ёрдамида аниқланган. Ҳисоблашлар Pentium IV компьютерида SPSS дастурий тўплами ёрдамида, ўрнатилган статистик ишлов функциясидан фойдаланган ҳолда олиб борилган.  $P < 0,05$  қийматларда тафовутлар ҳаққоний ҳисобланган. Сифат катталиклари учун статистик ҳаққонийлик  $\chi^2$  (хи-квадрат) мезони ва Z-мезони ёрдамида ҳисоблаб топилган (Гланц С., 1999).

Диссертациянинг «**Хусусий кузатувлар натижалари**» деб номланган учинчи бобида ишемик инсультнинг 295 нафар беморларда ўтказилган бош мия компьютерли томографиясининг натижалари таҳлил этилган. Шифохонага келтирилганда беморларнинг 34 нафарида (11,5%) ишемия ўчоғи визуализацияланмаган, аммо томир энцефалопатияси белгилари бўлган. 13 (4,4%) беморда шифохонага ётқизиляётганда бош миянинг шишганлиги ташхисланган бўлсада, улардан фақат 3 та ҳолатгина гиподенсивлик ўчоғи билан кечмаган.

Бош мианинг бирламчи КТсида қуйидагилар ташхисланган: улкан ўчоқлар – 31 (10,5%), катта – 50 (17%), ўртача – 120(40,7%) ва кичик ўчоқлар – 47 (15,9%). Бош мия кулранг ва оқ моддалари орасидаги аниқ чегараланиш бош мия инфарктининг улкан ўчоқлари бўлган беморларнинг ҳаммасида, катта ишемия ўчоқлари бўлган беморларнинг 75% ида, ўртача зарарланиш ўчоқлари қайд этилган беморларнинг эса фақат 7,5% идагина кузатилган. Бош миёда кичик инфарктлар бўлган беморларда ўртада жойлашган тузилмаларнинг силжиши қайд этилмаган.

Бош миёдаги ишемия ўчоғининг ўлчамларига кўра касаллик кечишини таҳлил этилганда, бош миёда улкан инфаркт зонаси бўлган кишиларда 71% ҳолатларда инсультнинг нохуш кечиши қайд этилган, катта инфарктларда эса салбий динамика 32% ҳолларда, кичикларида – 6,4% беморларда кузатилиб, бу ишемия фокусининг кенгайиши билан боғлиқ бўлган.

Диссертациянинг «**Рангли дуплексли сканирлаш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобда атеросклеротик пиликчаларнинг тавсифи келтирилган. Гомоген гипоехоген пиликчалар 15 та артерияда визуализацияланган. Паст зичликка эга ультратовуш тузилмалари кўп бўлган гетероген атеросклеротик пиликчалар (АСП) кузатувларнинг 19 тасида (6,8%) аниқланган. Яра жойлари бор пиликчалар 16 (6%), қопламаси остига қон қуйилган пиликчалар эса 6 (2,2%) ҳолатларда визуализацияланган. Ультратовуш тузилмалари юқори зичликка эга кўп бўлган гетероген АСП беморларнинг 47 тасида (17,8%) визуаллаштирилган. Гомоген гиперэхоген атеросклеротик пиликчалар кузатувларнинг 29 тасида (10,9%) учраган. Изоэхоген пиликчаларни биз алоҳида гуруҳга ажратдик, булар қоннинг эхогенлигига деярли тенглашадиган эхогенликка эга бўлиб, одатда чекланган жойдагина базўр фарқласа бўладиган юпқа қопламага эга. Бундай пиликчаларни визуаллаштириш ўта мураккаб бўлиб, текширувчидан анчагина тажрибани талаб қилади, уни «тўлмаган жой»ни аниқлаш имконини берувчи рангли ва энергетик доплерли хариталаш режимлари билан бирга қўшиб ўтказиш лозим. АСПнинг бундай тури беморларнинг 8 нафариди (2,6%) ташхисланган.

Атеросклеротик пиликчалар ностабиллигининг қуйидаги ультратовуш мезонлари аниқланган:

- эхоструктурасига кўра қон оқимиға ўхшайдиган, қопламаси юпқа бўлган ҳамда РДХ ёки ЭДХ режимларида «тўлмаган жой» аниқланадиган изоэхоген пиликча;
- рангли ёки энергетик доплерли хариталашда «тўлмаган жой» аниқланувчи, юзаси нотекис, «кемтилган» пиликчалар;
- қопламаси остида гипоехоген «бўшлиқ» бўлган пиликчалар;
- SonoСТ режимида рангнинг пиликча ичига «сизиб кириши» ва бу зонада турбулент қон оқими пайдо бўлиши.

Гемодинамик аҳамиятга молик стенозлар 90 кузатувларда, 26 ҳолатларда эса ҳар иккала томонда ташхисланган. Уйку артерияларида аҳамиятга молик стенозлар мавжуд беморларда мианинг ўрта артерияси


(МЎА) бўйлаб гемодинамика таҳлил қилинганда, гипоперфузия оқими энг кўп – 63,1% учраши аниқланган (2-жадвал). Бундай бўлиши табиий ҳол албатта, чунки ички уйқу артериясининг (ИУА) аҳамиятга молик зарарланишларида кузатилувчи локал гемодинамик силжиш стеноз зонасида тезлик параметрларининг кўтарилиши ҳамда дистал ўзанда қон оқимининг пасайиши билан тавсифланади.

## 2-жадвал

### МЎА бўйлаб турлича қон оқимларида ИУАнинг гемодинамик аҳамиятга молик стенозларининг учраш частотаси

| МЎА бўйлаб оқим             | ИУАнинг аҳамиятга молик стенози |      |
|-----------------------------|---------------------------------|------|
|                             | Абс. сон                        | %    |
| Нормоперфузия (N=74)        | 17                              | 22,9 |
| Гипоперфузия (N=130)        | 82                              | 63,1 |
| Гиперперфузия (N=26)        | 10                              | 38,5 |
| Қийинлашган перфузия (N=43) | 23                              | 53,5 |
| Ҳаққонийлик                 | $\chi^2=31,85$ $p<0,001$        |      |

Мазкур тоифа беморларида инсулт икки хил механизм бўйича ривожланишини тахмин қилиш мумкин: атеротромботик – атеросклеротик пиликча қопламасининг бузилиши туфайли, гемодинамик – цереброваскуляр реактивликнинг пасайиши замирида. 23 нафар (53,5%) беморда кузатилувчи қийинлашган перфузия оқимининг қайд этилишини бош мия шиши кўшилиши оқибатида катта ва улкан ишемия зоналарининг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Текширилганларнинг 10 нафарида (38,5%) аниқланган гиперперфузия оқими, эҳтимол, спонтан реканализация жараёнини акс эттирса керак. Уйқу артериялари окклюзиялари иккита: ўткир ва сурункали гуруҳларга ажратилган. Ўткир окклюзияларда артерия бўшлиғи изо- ёки бир жинсли гипоэхоген бўлган, теваракдаги тўқималардан аниқ ажралиб турган ва диаметри меъёрида сақланиб қолган (1-расм). Сурункали окклюзияларда эса, аксинча, артерия бўшлиғи одатда 3 мм дан ошмаган, турли жинсли бўлиб, унда гиперэхоген таркиб устунлик қилган ва кўпинча теваракдаги тўқималардан яхши ажралиб турмаган (2-расм).



1-расм. Бемор М., 30 ёш.  
ИУАнинг ўткир окклюзияси



2-расм. Бемор И., 46 ёш.  
ИУАнинг сурункали окклюзияси




МЎА бўйлаб гемодинамика оқимида кўра уйку артериялари окклюзияларининг учраш частотаси таҳлил қилинганда ўткир окклюзиялар гипоперфузия оқимида (15 бемор, 65,2%) ва қийинлашган перфузия оқимида (7 бемор, 30,4%) учраши аниқланган. Сурункали окклюзиялар ҳам кўпроқ гипоперфузия оқими билан қўшилиб келган (31 бемор, 68,9%), аммо қийинлашган перфузияда анча камроқ (8 бемор, 17,8%) кузатилган. Ўткир окклюзияли беморларда қийинлашган перфузия оқимининг салмоқли устунлик қилиши миёда қон айланиш ауторегуляциясининг тотал бузилишидан ҳамда инсультнинг кардиоэмболик механизм бўйича ривожланишидан далолат беради. Уйку артерияларининг ўткир окклюзияси кузатилган беморларда энг ўткир давр 17 нафар беморда (68%) нохуш кечган. Аксинча, сурункали окклюзияларда текширилганларнинг 40 нафариди (75,4%) касаллик кечиши яхши бўлган.

Диссертациянинг «Ишемик инсультли беморларда марказий гшемодинамиканинг ҳолати» деб номланган бешинчи бобиди марказий гемодинамиканинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари тадқиқ этилган. Кардиологик ўзгаришлар – кардиал эмболиянинг потенциал манбалари – инсультнинг ривожланиш механизмидан қатъий назар, гуруҳларнинг барчасида аниқланган. 100% кузатувларда улар ИИнинг кардиоэмболик кичик типиди кузатилган, лакунар инсультли беморларда эса улар энг кам аниқланган. ИИнинг турли кичик типлари кузатилган беморларда юрак патологиясининг мавжудлиги юрак-қон томир тизимининг тарқалган зарарланишларида юракнинг иштирокини акс эттирибгина қолмай, балки эҳтимолий церебрал асоратлар хавфи мавжудлигидан дарак ҳам беради. Бош миёда кичик ишемия ўчоқлари мавжуд беморларда инсульт келиб чиқиши негизиди майда церебрал артериялар патологияси, хусусан узоқ муддат кечувчи артериал гипертония учун хос бўлган артериолосклероз ётади. Афтидан, бундай фонди иштирок этувчи ЮИК томир ўзанидаги гипертоник ва атеросклеротик ўзгаришлар орасидаги муайян параллелликни акс эттиради. Касаллик, одатда, анчайин ижобий кечиби, минимал неврологик танқислик билан чекланган. Асосан чўққи ва олд-тўсиқ соҳаларидан ўрин олган акинез ва гипокинез зоналари текширувдан ўтказилганларнинг 27 нафариди аниқланиб, юрак касалликлари умумий сонининг 28%ини ташкил этган. ЧҚ регионар қисқарувчанлигининг бузилиши инфарктдан кейинги кардиосклерознинг аломати бўлиб, одатда юрак насос функциясининг бузилишига олиб келмасади, шунга қарамай коронар қон оқимида транзитор (ўткинчи) беқарорлик эҳтимоли мавжуд бўлади. Марказий гемодинамика параметрлари ва МЎА бўйлаб оқимлар таҳлил қилинганда статистик тафовутлар аниқланмаган. Ўткир коронар етишмовчилик кўринишидаги юрак фаолиятининг декомпенсацияси мустақил равишда ишемик инсульт ривожланишига олиб келиши ҳам, унинг кечишини оғирлаштириши ҳам мумкин. ЧҚнинг локал дискинезияси гемодинамик типдаги ишемик инсультнинг ривожланиш эҳтимоли билан боғлиқ бўлган етарлича ишонарли белги ҳисобланиши мумкин. ЧҚ ОФнинг 40%дан пастга тушиши нохуш

оқибат предиктори бўлиб хизмат қилмайди, чунки у турли патологик ҳолатларнинг натижасидир.

Диссертациянинг «Ишемик инсультнинг ўта ўткир даврида транскраниал доплерография» деб номланган олтинчи бобида МЎА бўйлаб қон оқимининг максимал (Max V) ва ўртача чизикли тезлиги (ҚОЧТ), Гослинг индекси (PI) ва овершут коэффиценти (ОК) кўрсаткичларига асосланиб, мианинг ўрта артерияси бўйлаб гемодинамиканинг тўртта кичик типлари ажратилган. Нормоперфузия оқими (3-расм) 281 бемордан 74 тасида (26,3%) ташхисланиб, зарарланган ва соғлом томонларда қон оқими тезликларининг симметрик бўлиши билан тавсифланган, PI индекси  $0,9-0,88\pm 0,01$  оралиғида бўлган. Бу гуруҳдаги барча беморларда церебрал артерияларнинг вазодилатацияланиш хусусиятлари сақланиб қолганлиги қайд қилинган,  $КО \geq 1,25$  катталиқда бўлиши бундан далолат беради.

Ишемик инсультнинг ўткир даврида МЎАдаги қон оқими меъёрий кўрсаткичларининг сақланиб қолганлиги ушбу ҳолатларда инфаркт сабабчиси майда интракраниал артериялардаги гемодинамика бузилишлари бўлиб, бу мазкур гуруҳга мансуб 68 нафар беморда ўтказилган ва компьютерли томография маълумотларига кўра аниқланган ишемик инсультнинг кичик типлари билан қиёслаш натижаларида ўз тасдиғини топган.




**3-расм. Бемор К., 55 ёш. Транскраниал дуплекс сканирлаш. МЎА бўйлаб гиперперфузия оқими**

Ишемик инсультнинг ўткир даврида нормоперфузия оқими 53,2% ҳолларда ўртача ўлчамдаги, 46,8% ҳолларда эса кичик ўлчамдаги ишемия ўчоқларида қайд қилинган. Бу МЎА асосий ўзанида окклюзиянинг йўқлигини ҳамда МЎА дистал сегментларининг ёки майда интракраниал артерияларнинг зарарланганлигини тахмин қилишга имкон беради. МЎА бўйича гемодинамиканинг ушбу ҳолати катта ва улкан ишемия ўчоқлари учун хос эмас.

Нормоперфузия оқимли беморлар ҳолати динамикасини клиник баҳолашнинг кўрсатишича, касалликнинг ижобий кечиши 71 (95,9%) беморда қайд этилган, ва фақат 3 нафариди (4,1%) неврологик танқисликнинг чуқурлашганлиги кузатилган. Бу атеросклеротик пиликчалар томонидан материал эмболия эпизодларининг содир бўлиши билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Демак, олиб борилган тадқиқот натижалари ИИнинг ўткир даврида МЎА бўйлаб нормоперфузия оқимининг қайд этилиши юқори даражадаги эҳтимолликда касалликнинг енгил кечиши билан борувчи кичик ёки ўртача ишемия ўчоғининг мавжудлигини прогнозлаш имконини беради. Бу беморларда касалликнинг ўткир даврида цереброваскуляр реактивликнинг сақланиб қолиши мия шишиши ёки гиперперфузия каби асоратлардан хавфсирамаслик имконини беради. Аксарият кўп ҳолатларда нормоперфузия оқими касалликнинг ижобий оқибатлари билан боғлиқ бўлади.

Гипоперфузия оқими (4-расм) ИУАнинг гемодинамик жиҳатдан аҳамиятга молик зарарланишларида қайд этилиб, беморларнинг 130 тасида (47,6%) аниқланган. Бу ҳолатлардаги муҳим аломатлар сифатида эгри чизиқнинг силлиқланганлиги, периферик қаршилик ва вазодилатация захираси кўрсаткичларининг пасайиши, қон айланиши коллатерал йўллариининг фаоллашуви эътироф этилган. Ишемия томонидаги қон оқими тезликлари “соғлом” томондагига қараганда пастроқ бўлган.



**4-расм. Бемор Г., 57 ёш. МЎА бўйлаб гипоперфузия оқими.**

МЎА проксимал сегментида қон оқимининг пасайиши миянинг олд артериясида (МОА) қон оқимининг пропорционал тарзда пасайиши билан кечган, бундан фарқли ўлароқ, МЎАнинг дистал окклюзиясида ундаги ҚОЧТнинг пасайиши МОАдаги ҚОЧТнинг ошиши билан кечади. Церебрал артерияларнинг вазодилатация хусусияти, одатда паст бўлган ёки умуман бўлмаган.


Бош миянинг компьютерли томографияси 125 ҳолатда ўтказилган, 19 нафар беморда фақат томир энцефалопатияси белгилари мавжуд бўлган. Гипоперфузия оқими ўлчами турлича бўлган ишемия ўчоқлари билан бирга кечади: улкан ўчоқ 15 (14,2%) ҳолатда, каттаси – 28 (26,4%), ўртачаси – 51 (48,1%) ва кичик ўчоқ 12 (11,3%) беморда ташхисланган.

Гипоперфузия кўпинча бош миянинг ўртача ва катта ишемия ўчоқларида учраши қайд этилган, бу уйқу артерияларининг аҳамиятга молик стеноз-окклюзияловчи зарарланишларида инсультнинг келиб чиқиш механизмлари ҳақидаги тасаввурларга мос келади. Беморларнинг аксарият кўпчилигида қайд этилувчи ҳамда коллатерал қон айланиш захираларининг камайганлигини кўрсатувчи церебро-васкуляр реактивликнинг салмоқли пасайишлари уйқу артерияларида аҳамиятга молик стенозлар ва беқарор

(ностабил) атеросклеротик пиликчалар аниқланмаганида гемодинамик типдаги инсультнинг ривожланишини тахмин қилиш иконини беради. МЎА бўйлаб қолдиқ оқим кичик зарарланиш ўчоғи мавжуд бўлган беморларда энг кам (11,3%) учраган. Бу, чамаси, узоқ давом этувчи артериал гипертензия ва/ёки узун эшелонланган стенозлар мавжуд бўлганида майда калибрли артерияларнинг секин-аста қайта калибрланиши билан боғлиқ бўлса керак.

Инсультнинг энг ўткир даврида ўтказилган клиник текширувлар натижаларига кўра 102 (78,4%) беморда касалликнинг ижобий кечиши, 28 (21,6%) тасида эса – нохуш кечиши аниқланган.

Гиперперфузия оқими гуруҳига (5-расм) 26 (9,5%) беморнинг спектр характеристикалари бузилмаган доплерограммалари киритилган. Миқдорий тахлил ўтказилганда зарарланган тарафда тезлик кўрсаткичларининг ошганлиги ҳамда периферик қаршиликнинг камайганлиги аниқланган. Компрессия тест натижаларига биноан 26 нафар пациентдан 15 нафаридан (57,7%) инсульт тарафидан УУАнинг компрессиясига жавобан реакциянинг пасайганлиги ёки унинг умуман йўқлиги қайд этилган.



**5-расм. Бемор И., 53 ёш. Транскраниал дуплекс сканирлаш. МЎА бўйлаб гиперперфузия оқими**

Кузатувларнинг 24 тасида компьютерли томография маълумотлари билан таққослаш ўтказилганида, мазкур оқим аксарият ҳолатларда ўртача катталиқдаги зарарланиш ўчоқларида (76,2%) ва камроқ ҳолларда кичик (9,5%) ҳамда катта ишемия ўчоқларида (14,3%) учраши кўрсатиб берилган. Бундай оқим улкан ўчоқли ишемиялар учун хос эмас. 3 та кузатувда ишемия ўчоғи визуалланмаган бўлсада, томир энцефалопатияси аломатлари мавжуд бўлган.


Ишемик инсультнинг энг ўткир давридаги гиперперфузия синдроми патогенетик ассланган. Инфаркт соҳасида ацидознинг ривожланиши спонтан реканализация кузатилган ёки у олиб борилган тромболитик терапия билан индукцияланган ҳолатларда майда интрацеребрал артерияларнинг компенсатор вазодилатациясига ҳамда гиперперфузиянинг ривожланишига олиб келади. Камдан-кам ҳолатларда гиперперфузия ишемия ўчоғининг геморрагик трансформациясига сабаб бўлади. КТ натижалари билан

таққолаш шуни кўрсатдики, гиперперфузиянинг доплерографик белгилари пайдо бўлиши учун камида ўртача ишемия ўчоқлари бўлиши зарур.

Инсултнинг ижобий кечиши 16 (61,5%) беморда, нохуш кечиши эса 10 (38,5%) беморда кузатилган. Бинобарин, гиперперфузия оқимининг аниқланиши беморларнинг аксариятида касалликнинг енгил ёки ўртача оғирликда кечишини тахмин қилиш ва юқори даражадаги эҳтимоллик билан эрта спонтан реканализация ҳақида фикр юритиш имконини беради.

Қийинлашган перфузия (6-расм) 43 (15,7%) беморда ташхисланган. МЎАда асосан диастолик тезликнинг пасайиши ва периферик қаршилиқ индексининг салмоқли ошиши ( $PI > 1,35$ ) асосий доплерографик белгилар ҳисобланади.

12 нафар пациентда (3%)  $PI$ нинг ошиши қон оқими тезлигининг пасайиши, нафас олиш актига синхрон равишда ҚОЧТнинг ўзгаришлари ҳамда УУАни компрессиялашга жавобан реакциянинг анча пасайиши ёки умуман бўлмаслиги билан қўшилиб келган, бу бош мия шиши туфайли келиб чиқувчи қийинлашган перфузия варианты ҳақида хулоса яшаш имконини беради.




**6-расм. Бемор А., 64 ёш. Транскраниал дуплекс сканирлаш. МЎА бўйлаб қийинлашган перфузия оқими.**

Ўзгаришлар икки томонлама характерга эга бўлиб, инсулт тарафида ҚОЧТнинг кўпроқ даражада пасайиши ва  $PI$ нинг кўтарилиши билан кечган. Беморларнинг 36 нафариди (83,7%) артериал гипертензия асосий фон ҳолати бўлган. Мазкур гуруҳ беморларида кўпинча субкритик ва критик стенозлар (53,4%) ташхисланган.

36 нафар беморда ўтказилган бош мия КТ маълумотлари билан таққослаш шуни кўрсатдики, ушбу оқим 13 (36,1%) ҳолатларда ўртача ишемия ўчоқлари, 10 та кузатувда (27,8%) катта ўчоқлар ва яна шундай частотада улкан зарарланиш ўчоқлари билан қўшилиб келган. Ҳаммадан камроқ, яъни 3 (8,3%) беморда у лакунар инфарктларда қайд этилган. 3 та (8,3%) ҳолатда  $PI$ нинг ошиши ва реактивликнинг пасайиши ҚОЧТнинг аҳамиятга молик камайиши ва нафас олиш актига синхрон равишда ҚОЧТнинг ўзгаришлари билан кечмаган. Клиник манзарасида бош мия шиши белгилари бўлмаган. Қон оқимининг бундай ўзгаришини яққол ифодаланган

